



**audit alfa**

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI**

**ANDIJON SHAHAR**

**“Audit-ALFA” MCHJ**

**auditorlik tashkiloti**

**Andijon sh A.Navoiy shox ko'chasi 35-uy**

**INN-306986446 x/r 20 208 000 905 157 221 001**

**AT Invest Finans Bank Andijon Viloyat filiali MFO-01114**

---

**№9 «30» март 2023 йил**

**«SHAXRIXON-AVTO RAVON» акциядорлик жамиятининг 2022 йил 01 январдан 2022 йилнинг 31 декабрга кадар булган давридаги молиявий-хужалик фаолияти юзасидан утказилган аудиторлик текшируви натижаларига кура ижобий билан фикр билдирилган**  
**АУДИТОР ХУЛОСАСИ**

Узбекистон Республикаси Андижон вилояти Андижон шахар Давлат хизматлари марказида 2020 йилнинг 20 августда 795679-рақам билан кайта рўйхатдан ўтган, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг аудиторлик фаолияти юритиш хукукини берувчи 2020 йил 22 январдаги 00839-сонли лицензиата эта бўлган МЧЖ «AUDIT-ALFA» аудиторлик ташкилоти «SHAXRIXON-AVTO RAVON» акциядорлик жамияти билан 2023 йил 01 марта тузилган 9-сонли шартномага асосан 2022 йил 1 январдан 2022 йил 31 декабрга кадар бўлган даврлар молиявий фаолияти аудиторлик текширувидан ўтказилди.

Аудитор Н. Курбонова (Узбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг малака сертификата № 05598) томонидан «SHAXRIXON-AVTO RAVON» акциядорлик жамиятининг 2022 йил 31 декабрь холатига тузилган «Бухгалтерия баланси», «Молиявий натижалар тугрисида»ги хисоботларининг ишончлилиги мажбурий тарзидаги аудиторлик текширувидан ўтказилди.

Бизнинг фикримизча, молиявий ҳисоботлар «SHAXRIXON-AVTO RAVON» акциядорлик жамиятининг 2022 йил 31 декабргача булган молиявий холатини, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида унинг молиявий натижаларини ва пул оқимларини барча муҳим жиҳатларда бухгалтерия хисобининг миллий стандартларига(БХМС) мувофиқ хаққоний акс эттиради.

### **Ижобий фикр билдириш учуй асос.**

Биз Аудитнинг халқаро стандартларига (АХС) га мувофиқ аудит ўтказдик. Бизнинг ушбу стандартлар бўйича жавобгарлигимиз ушбу хулосанинг “Аудиторнинг молиявий ҳисоботни текшируви бўйича жавобгарлиги” бўлимида батафсил ёритилган. Биз жамиятдандан мустакил равищда Бухгалтерлар учун халқаро ахлоқ стандартлари Кенгашининг (БХАСК) “Профиссионал бухгалтерларучун ахлоқ,” Кодекса талабларига ва ахлоқий қоидаларига, ҳамда ушбу талабларга ва БХАСК Кодексда белгиланган бошқа мажбуриятларни бажарганимиз. Биз олган аудиторлик далиллари ижобий фикримизни ифода этилишини тасдиқлаш учун етарли ва ўринли деб ҳисоблаймиз.

### **Аудитнинг муҳим масалалари**

Аудитнинг муҳим масалалари- ушбу масалалар, бизнинг профессионал мулоҳазамиздан келиб чиқкан ҳолда жорий давр учун молиявий ҳисоботни текшириш учун энг муҳим бўлган масалалардир. Ушбу масалалар молиявий ҳисобот аудитида кўриб чиқилган ва биз ушбу масалалар бўйича алоҳида фикр билдирмаймиз.

### **Молиявий ҳисобот учун раҳбарнят ва корпоратив бошқарув ваколатига эга шахсларнинг жавобгарлиги**

Раҳбарият молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тўғри тақдим этиш учун, БХМСга мувофиқ фирибгарлик ва хатолик туфайли жиддий бузуб кўрсатилган молиявий ҳисоботларни тайёрлаганлик учун, ҳамда раҳбарият томонидан қабул қилинган ички назорат тизими учун жавобгар.

Молиявий ҳисоботни тайёрлашда раҳбарият корхона фаолиятининг узлуксизлини баҳолашга, зарур ҳолларда узлуксиз фаолият билан боғлиқ бўлган ахборотларни ошкор этиш ва фаолият узлуксизлиги таҳминига кўра ҳисобот беришга жавобгар, агарда раҳбарият томонидан корхона фаолиятини тутатиш, фаолиятни тўхтатиш ёки бошқа ҳолатлар мавжуд бўлмаса.

Корпаратив бошқарув учун масъул шахслар корхонанинг молиявий ҳисоботларини тайёрлашни назорат килиш учун жавобгардир.

### **Молиявий ҳисобот аудити учун аудиторнинг жавобгарлиги**

Бизнинг мақсадимиз молиявий хисоботлар фирибгарлик ва хатолик туфайли бўладиган жиддий нотўғри кўрсаткичлардан ҳоли эканлигига ишонч хосил қилиш, ҳамда аудиторлик фикрини аудиторлик хulosасида акс эттириш. Ақлии ишонч ишончнинг юкори даражаси бўлиб, АХС ларга мувофиқ ўтказилган аудит ҳар доим ҳам мавжуд жиддий хатоларни аниқлай олишга кафолат эмас. Фирибгарлик ёки хатолик туфайли бузиб кўрсатишлар юзага келиши мумкин, ушбу бузиб кўрсатишлар ягона ёки жами бўлиб молиявий хисоботдан фойдаланувчилар иқтисодий қарорларига таъсир қилиши мумкин бўлса, муҳим ҳисобланади.

Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ аудитнинг бир қисми сифатида биз бутун аудит давомида профиссионал муроҳаза юритамиз ва профиссионал скептицизмни қўллаймиз. Бундан ташқари биз қўйидагиларни бажарамиз:

- фирибгарлик ёки хатолик туфайли молиявий хисоботнинг жиддий бузилиши хатарини аниқлаш ва баҳолаш, ушбу хатарларга жавобан аудиторлик амалларини ишлаб чиқамиз ва бажарамиз, аудит фикри учун асос бўлиб хизмат қиласидан аудиторлик далилларини оламиз. Фирибгарлик натижасида муҳим бузиб кўрсатишларни топилмаслик риски хато туфайли муҳим бузиб кўрсатишларни топилмаслик рискидан юкори, чунки фирибгар сохталашибтириш, қасдан хато килиш, нотўғри маълумот бериш ёки ички назорат тизимини четлаб ўтувчи ҳатти-ҳаракатларни амалга оширган бўлиши мумкин;
- корхонанинг ички назорат тизимининг самарадорлиги тўғрисида ўз фикримизни билдириш учун эмас, балки вазиятга мое келадиган аудиторлик тартиб-таомилларини ишлаб чикиш максадида, аудитор тадбиркорлик субъекти ўз молиявий хисоботларини тайёрлаши ва хакконий тақдим этиши билан боғлиқ бўлган ички назорат тизимини кўриб чиқади<sup>4</sup>;
- қўлланилаётган ҳисоб сиёсатининг мақбуллиги ва ва тадбиркорлик субъекти раҳбарияти томонидан хисоблаб чиқилган баҳоларнинг асослигини баҳолашни, шунингдек молиявий хисоботларнинг ифодаланишини баҳолаш;
- бухгалтерия хисоби ва бошқарувдан олинган аудиторлик далиллари асосида, корхонанинг фаолиятни узлуксиз давом эттириш қобилиятига жиддий шубҳа тўғдириши мумкин бўлган воқеалар ва ҳодисалар билан боғлиқ муҳим ноаниқликлар мавжудми ёки йўқлиги тўғрисида, раҳбарият фойдаланиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хulosса қиласидан. Агар биз муҳим ноаниқликлар мавжуд деган хulosага келсақ, аудит хисоботида молиявий хисоботдаги ноаниқликларни ёритиб беришга эътиборимизни қаратамиз ёки ноаниқликларни ёритиб бериш имкони бўлмаса аудит фикрини ўзгартирамиз. Бизнинг аудит хулбсамиз олинган аудиторлик далилларига асосланади. Келажакдаги воқеа ва ҳодисалар корхона фаолиятининг узлуксизлигига таъсир этиши мумкин.
- биз молиявий хисоботнинг тақдим этилишини, унинг тузилиши ва таркибини, шу жумладан маълумотларнинг ошкор қилинишини ва молиявий хисобот асосий операциялар ҳамда ҳодисаларни ишончли тарзда тақдим этишини баҳолаймиз.

Биз Корпаратив бошқарув учун масъул шахслар билан аудитни режалаштириш, аудит ўтказиш вақти ва аудитда аниқланган муҳим камчиликлар, шу жумладан аудит давомида аниқланган ички назоратдаги ҳар қандай камчиликлар тўғрисида алоқа қиласидан.

Биз шунингдек Корпаратив бошқарув учун масъул шахслар аудитнинг мустақиллигига тегишли барча аҳдокий талабларга риоя қилинганини тўғрисида баёнот берамиз ва ушбу шахсларга аудитнинг мустақиллигига таъсир қилиши мумкин бўлган барча муносабат ва масалалар тўғрисида хабар берамиз.

Биз Корпаратив бошқарув учун масъул шахсларга хабар қилингани масалалардан жорий давр молиявий хисоботи аудитида энг муҳим ва аудитнинг асосий масалаларини аниқлаймиз. Биз ушбу аудитнинг асосий масаларини аудит ҳисоботимизда ёритамиз, ушбу масалалар тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиниши қонун ёки бошқа хужжатлар билан тақиқланган ҳоллар бундан мустасно, ёки биз камдан-кам ҳолларда ушбу масалаларни ошкор қиласидан керак деган хulosага келамиз. Чунки бундай ахборртнинг салбий оқибатлари ижобий оқибатидан ошади деб тахмин қилиш мумкин.

### **Бошқа қонун ва тартибларга мувофиқ хисобот**

- Узбекистон Республикаси “Бухгалтерия хисоби тўғрисидаги” қонунинг 6 моддаси билан белгиланган бухгалтерия ҳисобининг асосий томойилларига риоя этилган, хўжалик операциялари назорати, хисоб-китоб хужжатларини саклаш тегишли тартибда амалга оширилмоқда.
  - Қонуннинг 8-моддасига мувофиқ бажарилган ишлар ва хизматлар кабул қилиш ва етказиб бериш учун асос бўлиб хизмат қиласидан бирламчи хужжатлар, бухгалтерия хисоботлари раҳбар томонидан ёки у белгилаган мутасадди шахслар томонидан имзоланмоқда.
  - Қонуннинг 10-моддасига мувофиқ тегишли хисоб регистрлари юритилган ва ушбу модданинг 3-бандига мувофиқ хисоб регистрларига тузатишлар киритилмаган.

Молиявий хисоботлар конуннинг 19- моддасига мувофиқ тарзда белгиланган муддатларда тақдим этилмоқда.